

Иш рақами 1-1703-2501/451

Биринчи инстанция судида раислик қилган судья – Р.Рахимов
 Апелляция инстанциясида маърузачи бўлган судья – Ш.Назирова

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2026 йил март ойининг 13 куни, Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: А.Исаков,

ҳайъат судьялари: Ф.Собиров ва Ш.Назировдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Назировнинг котиблигида, Андижон вилояти прокуратураси бўлим прокурорлари Ш.Нурова ва Ф.Абдумаликов, судланган А.Абдувахובה ва ҳимоячи Ш.Алижонов, жабрланувчининг қонуний вакили Ф.Шербоевларнинг иштирокида, судланган А.Абдувахובהга оид жиноят ишини А.Абдувахобованинг ҳимоячиси билан биргаликда келтирган ҳамда жабрланувчининг қонуний вакилининг апелляция шикоятлари асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг 2026 йил 10 февралдаги ҳукмига кўра:

1999 йил 3 июнда Шахрихон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, судланмаган, Асака тумани, “Деватаги” МФЙ, Меҳнаткашлар кўчаси, 26-уйда яшаган, эҳтиёт чораси тариқасида 2025 йил 11 сентябрдан қамокда сақланган Абдувахובה Азизахон Баховиддинжон қизига Ўзбекистон Республикаси ЖК 126¹-моддаси 7-қисмининг “б,в” бандлари билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазо умумий тартибли колонияда ўташ белгиланган, жабрланувчининг қонуний вакили Ф.Шербоевни А.Абдувахובהга нисбатан моддий ва маънавий зарарлар юзасидан даъвоси йўқлиги эътиборга олинган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланган А.Абдувахובה 2025 йил 30 август кунига қадар бўлган вақтлар оралиғида, ўзи яшаб келган, Асака тумани, “Деватаги” МФЙ, Меҳнаткашлар кўчаси 26-хонадонидида 2020 йил 26 ноябрда туғилган вояга етмаган фарзанди жабрланувчи М.Лутфиллаевани вояга етмаганлигини била туриб, уни қийнаб, жисмоний азоб бериб, ўта шафқатсизлик билан уриб-дўппослаб, унга 2025 йил 10 октябрдаги



8014-сонли хулосасига кўра, оғир шикаст етказиб, оилавий зўравонлик жинойтини содир этганликда айбли деб топилган.

Судланган А.Абдувахобова ҳимоячиси билан биргаликда келтирган апелляция шикаютида суд ҳукмидан норозилиги, ҳаракатини ЖК 126¹-моддаси 7-қисмининг “б,в” бандларидан 126¹-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилишни, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олинмагани, муқаддам судланмагани, айбига иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалиги, жабрланувчининг қонуний вакилининг даъвоси йўқлиги инобатга олиб озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Жабрланувчининг қонуний вакили Ф.Шербоев келтирган апелляция шикаютида суд ҳукмидан норозилиги, жазонинг адолатсизлиги, биринчи инстанция судида А.Абдувахобовани қамокдан озод қилишни сўраганини, унга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлангани оиласининг бузилишига сабаб бўлиши, келажақда оиласига ҳам таъсир қилишини, шунга кўра А.Абдувахобовага озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Судланган А.Абдувахобова ва жабрланувчининг қонуний вакили Ф.Шербоев ўз эътирозномаларида бир-бирларининг шикаютлари билан танишгани, эътирозлари йўқлигини, шикаютларини қаноатлантиришни билдиришган.

Апелляция инстанцияси, иш бўйича судья Ш.Назировнинг маърузасини, ҳимоячи Ш.Алижонов ва судланган А.Абдувахобова, жабрланувчининг қонуний вакили Ф.Шербоевнинг шикаютларини қаноатлантириш, прокурор Ш.Нурованинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикаютини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Апелляция инстанциясида судланган А.Абдувахобова, фарзандига оғир тан жароҳати етказмагани, 2025 йил 27 август соат 13:00 ларда, яшаш хонадонидида қизи электрочойнақдаги иссиқ сувни тўкиб юборгани, қизини кўрганида, юзи бўйни, оёқлари ва думбаси куйиб қолган экани, шундан сўнг дорихонадан малҳамлар олиб уни даволагани, сўнг яшаш хонадонига дугонаси турмуш ўртоғи билан келиб кетганини қўшниси ҳам кўргани, уй ишларини қилиб юрганида профилактика инспектори ва қўшини уйига киришларини айтиб, қизи Муносибхон қаердалигини сўрашгани, қизини ҳолатини кўриб, уни туман тез ёрдам бўлимига ўзини эса вилоят психоневрология марказига олиб кетишгани, бироқ ўзи қизи Муносибхонга қасдан жароҳат етказмаганини, у олган жароҳатларини куйиш оқибатида ҳамда йиқилиб тушган вақтида олгани, 2017 йил декабрь ойида Ф.Шербоев билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришгани, турмушлари давомида 2 нафар фарзандли бўлишгани, ўзи оиласи билан 2024 йил октябрь ойларида Асака тумани “Деватаги” МФЙдаги намунали хонадонларга кўчиб ўтишгани ва ўша ерда турмуш ўртоғи ва 2 нафар фарзандлари билан бирга яшаб келишини, турмуш ўртоғи ишлаш мақсадида Россия Федерациясига бориб



келишини, қизига совға қилган зирагини йўқотиб қўйганидан жаҳли чиқиб боласини 2 маротаба чўпак билан ургани, ушбу ҳолатдан маҳалла фаоллари хабар топиб ўзи ва фарзанди билан суҳбат ўтказишиб бу ҳолат такрорланмаслиги бўйича огоҳлантиришгани, фарзандига оғир тан жароҳати етказмагани, қамалиб кетса оиласи ажрашиб кетишини, шу сабабли ўзига нисбатан оқлов ҳукми чиқариб, қамокдан озод қилишни сўраб;

жабрланувчининг қонуний вакили Ф.Шербоев, судланган А.Абдувахобова турмуш ўртоғи, жабрланувчи М.Лутфуллаева эса қизи ҳисобланиши, 2025 йил август ойида ўзи Россия Федерациясида ишлаб юрган вақтида оила аъзолари қизи М.Лутфуллаевани куйиб қолгани айтишгани, сўнг ўз ишларини тугатиб Ўзбекистонга етиб келганида тергов тугаб бўлганини эшитгани, қизи М.Лутфуллаевага турмуш ўртоғи А.Абдувахобова томонидан жароҳат етказилган деб айб қўйганига ишонмаслигини, турмуш ўртоғи А.Абдувахобова ҳар иккала фарзандига ҳам бир хил муносабатда бўлгани, қизи М.Лутфуллаевани душда йиқилиб тушгани ҳақида эшитгани, ҳозирда ўзини А.Абдувахобовага нисбатан даъвоси йўқлиги, келгусида бир оила бўлиб яшашларини, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини инobatга олиб, А.Абдувахобовага қонуний енгиллик беришни, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб кўрсатув беришди.

Биринчи инстанция суди, иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, судланган А.Абдувахобованинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, у иқроор бўлмаса-да, дастлабки тергов ва биринчи инстанция суди мажлисида сўралган гувоҳлар М.Жумаева, А.Абдужалилов ва Х.Холмирзаевнинг кўрсатувлари, суд-тиббий экспертизаси хулосаси, нарсани олиш баённомаси, ашёвий далиллар ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келиб, судланган А.Абдувахобованинг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 126¹-моддаси 7-қисмининг “б,в” бандлари билан тўғри малакаланган.

Шунингдек, биринчи инстанция суди, судланган А.Абдувахобовага жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Республика Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилиб, унинг аёл кишилигини ва муқаддам судланмаганлигини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ва паст ниятда содир этганини ЖКнинг 56-моддасига асосан оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноятнинг хусусиятини ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, айб шаклини алоҳида эътиборга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин эмас деб ҳисоблаб, А.Абдувахобовга айбли деб топилган ЖК 126¹-моддаси 7-қисмининг “б,в” бандлари ЖКнинг 57-моддасини қўллаб қонун санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ҳақида адолатли хулосага келган.



Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасининг 1-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши;

ЖКнинг 42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш, маҳкум, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши белгиланган.

Биринчи инстанция суди, судланган А.Абдувахобованинг айбига иқдор бўлмасдан жабрланувчи вояга етмаган М.Лутфуллаевага қасддан жароҳат етказмаганини, у олган жароҳатларини куйиш оқибатида ҳамда йиқилиб тушган вақтида олгани ҳақидаги кўрсатув ва важларини муҳокама қилиб, унинг ушбу кўрсатувлари ва важларини ўз аҳолини яхшилаш, судни чалғитиш ва жавобгарликдан қутулиб қолиш учун ўйлаб топилган важ деб баҳолаб, рад этиш ҳақида тўғри тўхтамга келган.

Шунга кўра, апелляция инстанцияси, иш ҳужжатларида мавжуд далиллар мажмуига асосланиб, судланган А.Абдувахобованинг оқлов ҳукми чиқариш ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш, жабрланувчининг қонуний вакили Ф.Шербоевнинг шикоятдаги турмуш ўртоғи А.Абдувахобовага нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақидаги важлари билан келишмади.

Бироқ, биринчи инстанция суди судланган А.Абдувахобовага жазо тайинлашда ЖКнинг 57-моддасини қўллаб озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса-да, бу ҳақда ҳукмнинг қарор қисмида кўрсатмасдан хатоликка йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 497²⁶-моддаси 1-қисмининг 1-бандига мувофиқ, апелляция инстанцияси суди жиноят ишини кўриш натижаларига кўра, агар чиқарилган суд қарорлари моддий ва процессуал қонун талабларига мувофиқ эканлиги аниқланса, ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикоятини, протестини эса қаноатлантирмасдан қолдиришга ҳақлидир.

Қайд этилганларга кўра, апелляция инстанцияси суди судланган А.Абдувахобовага оид суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, ҳукмнинг қарор қисмига унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб жазо тайинлангани ҳақида аниқлик киритган ҳолда суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятлари эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹⁷-497¹⁸, 497²⁶, 497³¹, 497³⁶-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Абдувахобова Азизахон Баховиддинжон қизига нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг 2026 йил 2 февралдаги ҳукмининг қарор қисмидаги А.Абдувахобовага ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб жазо тайинлангани ҳақида аниқлик киритган ҳолда ўзгаришсиз,



А.Абдувахобованинг химоячиси билан биргаликда келтирган ҳамда жабрланувчининг қонуний вакили Ф.Шербоевнинг апелляция шикоятлари қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи

А.Исаков

Ҳайъат судьялари

Ф.Собиров

Ш.Назиров

